O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

ЯНГИЛАНИШ, БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОН ТУРМУШ — ОЛДИМИЗДА ТУРГАН ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФА

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 17-mart • Shanba • 33 (27.678) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«ЖАВОН» ЖУРНАЛИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Теҳронда 150 минг нусхада чоп этиладиган «Жавон» журналининг март ойи сонида «Ўзбекистон — 130 миллат ва элат вакилларининг Ватани» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Унда нашр ўз ўқувчиларини юртимизнинг ўтмиши билан бир қаторда бугунги замонавий Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, мамлакатимиздаги тенги йўқ кўҳна тарихий шаҳарлар ва улар бағридаги қатор меъморий обидалар билан таништирган.

«Ўзбекистон Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган бўлиб, унда 130 миллат ва элат вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечириб келмоқда», — деб ёзади «Жавон».

Мамлакатимиз иқтисодиёти ҳақида тўхталар экан, нашр Ўзбекистоннинг олтин захиралари бўйича дунёда тўртинчи, пахта экспорти бўйича эса иккинчи ўринни эгаллаб турганини таъкидлайди. «Нефть, газ, кўмир ва бошқа табиий бойликларнинг бой захиралари, шунингдек, металлургия, кимё, самолётсозлик ҳамда автомобилсозлик саноатлари Ўзбекистонда иқтисодиётнинг истиқболли экани ва юксак даражада ривожланганидан далолат беради», — деб ёзади журнал.

«Жавон» журналхонлар эътиборини Ўзбекистоннинг таълим ва маданият соҳаларига қаратган ҳолда «айни пайтда мамлакатдаги 434 та олий ўқув юртларида 34 мингдан зиёд илмий ходим фаолият юритаётгани, уларнинг 2353 нафари фан доктори унвонига эга» эканига қаратади. Мамлакатдаги кутубхоналар эса Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик ва машҳур зиё масканлари экани ҳам қаламга олинган.

Юқорида қайд этилганидек, журнал мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари, ёдгорликлари ва меъморчилик обидаларига алоҳида эътибор қаратган. Мақолада мамлакатдаги тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясидаги беқиёс ўрни ва аҳамиятидан далолат бериб туришини алоҳида таъкидлайди.

«Жаҳон» АА
Теҳрон

❖ Миллий қадриятларимиз — ўзлигимиз, ўзбеклигимиз!

Кулолчиликнинг пайдо бўлиши бир неча минг йилларга бориб тақалади. Қадимқадимдан аждодларимиз ҳунармандчиликнинг ушбу тури билан шуғулланиб келишган. Бугунги кунда ҳам жуда кўплаб машҳур ҳунармандларимиз кулолчиликни санъат даражасига кўтариб, кейинги авлодларга қолдириш борасида ибратли ишларни амалга ошириб келишмоқда. ЮНЕСКОнинг «Усто» сертификати соҳиби, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, андижонлик кулол Мирзабаҳром Абдуваҳобов ҳам ана шундай инсонлардан бири ҳисобланади. У яратган санъат асарлари кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлган.

Бугун Мирзабаҳром кулолнинг ишини фарзандлари Козимжон, Улуғбек ва Азизбеклар давом эттирмоқда. Улуғбек Тошкент театр ва рассомчилик институтида, Азизбек эса Андижон санъат коллежида кулолчиликнинг сир-асрорларини ўрганишмоқда.

Мирзабаҳром Абдуваҳобов ўзи яратган кулолчилик буюмлари билан «Ташаббус — 2007» кўрик-танловида ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Суратда: *кулол Мирзабаҳром Абдуваҳобов.* **Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.**

❖ «Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

СЎЛ СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ ЁШ ЕТАКЧИЛАРИ

ФИКРЛАШДИЛАР, ТАКЛИФЛАР АЙТДИЛАР, МУЛОҲАЗА АЛМАШДИЛАР, ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси 2005 йил охирида ёшлар қанотини шакллантириш ҳаракатини бошлаган эди. 2006 йил 15 март куни эса Тошкент шаҳрида ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг умумреспублика таъсис конференцияси бўлиб ўтган эди. Мана, орадан бир йил ўтди. Хўш, ўтган даврда ёшлар қаноти нималарга эришди? Қандай ютуқларни қўлга киритди? Бугун «Истиқбол» фаоллари олдида қандай муаммолар турибди? Уларни ечиш йўллари нималардан иборат? «Истиқбол» ёшлар қанотининг бир гуруҳ фаоллари иштирок этган давра суҳбатида шу ва яна бошқа саволлар атрофида фикр юритилди.

Шуҳрат ҲОЖИМАТОВ, Жиззах вилояти:

— Ўтган вақт вилоят, туман, шаҳар кенгашларида «Истиқбол» ёшлар қанотининг ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланиш даври бўлди. Энг муҳими, партиянинг ёш фаоллари ўзимиз олиб борадиган ишлар нималардан иборат бўлиши лозимлигини чуқур тушуниб етдик. Партиямизнинг дастурий мақсадларини тарғиб қилиш борасида ҳам тажриба орттирдик. Натижада нафақат «Истиқбол»нинг хайрихоҳлари, балки, партиямизни қўллаб-қувватловчи ёшларнинг сафи ҳам янада кенгайиб бормоқда.

Хуршида ХОЛИҚОВА, Қашқадарё вилояти:

— Энг катта ютуғимиз шуки, партиямиз қошида шундай тузилма борлигидан кўпчилик хабардор бўлди. Аммо белгилаб олган вазифаларимизнинг барчасини бажаришга улгурдик, дея олмаймиз. Ёшларнинг сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий билимларини ошириш учун депутатлар билан учрашувлар ташкил қилиш, «Истиқбол»нинг марказий бошқаруви раиси ва марказий бошқарув аъзоларининг чекка-чекка ҳудудлардаги ёшлар билан учрашувларини ташкил этишни ва бошқа кўплаб тадбирлар ўтказишни режалаштирган эдик. Афсуски, айримлари қоғозда қолиб кетаяпти. Баъзан кутиб«турамиз, қачон раҳбарият топшириқ беради, қачон Тошкентдан қўнғироқ бўлади, деб...

Яна бир гап. Маълумки, «Истиқбол» раисларининг аксарияти жамоатчилик асосида фаолият юритади. Асосий ишлари эса бошқа соҳада. Биз айнан ана шу имкониятлардан фойдаланишимиз керак. Масалан, битта тумандаги раисимиз меҳнат бўлимида ишлайди дейлик. Демак, меҳнат бўлими ҳамкорлигида ёшларни иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳалар ишлаб чиқишимиз мумкин. Ёки кимдир спорт соҳасида ишлаши мумкин. Ёшлар ўртасида спорт мусобақаларини ташкил этишда ҳамкорлик қилиш керак.

Шерзод БОБОЖОНОВ, Сирдарё вилояти:

— «Истиқбол»нинг вилоят, туман, шаҳар бўлимлари раҳбарларининг айримлари ўзгарди. Тўғриси, таъсис конференцияда раис этиб сайланган бир қатор ёшлар турли сабабларга кўра, ёшлар қаноти раислигини тарк этишди. Уларнинг ўрнига фаолиятимизда онгли равишда иштирок этаётган, ташаббускор йигит-қизлар сайланаяпти. Ундан ташқари, ёшлар орасига кириб бориш мақсадида кўплаб тадбирларни ўтказдик. Бизга хайрихоҳ бўлган давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатдик.

Алибек ҲАЙИТОВ, Навоий вилояти:

— Интернет тармоғида «Истиқбол»нинг сайтини ёки партиямиз сайти ичида ёшлар қанотига бағишланган бўлимни яратиш вақти аллақачон келган. Турли ташкилот, муассаса, идоралар, маҳаллаларда ўз тармоқларимизни, яъни бошланғич бўғинларимизни ташкил этмасдан туриб кўзланган мақсадларимизнинг барчасига эришишимиз қийин бўлади. Ҳар бир туман, шаҳар, вилоятда «Истиқбол»нинг техник жиҳатдан таъминланишига эришмас эканмиз, ишларимизнинг самарадорлиги ҳам кам бўлади.

2-бет

❖ Парламент фаолияти

ҚОНУН ИЖРОСИ МУҲОКАМАДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. У «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Адолат» ва «Моваройннаҳр» нашриётларидаги ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил якунига бағишланди.

Маълумки, «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун 1996 йилда қабул қилинган бўлиб, 2002 йилда унга зарур қўшимча ва ўзгартишлар киритилган. Йиғилиш давомида ноширлик фаолиятини ташкил этишда мазкур Қонуннинг аҳамияти, нашриётларга қўйилаётган талаблар, белгиланган вазифаларни амалга оширишда эришилаётган ютуқлар, мавжуд камчилик ва муаммолар хусусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, соҳа мутахассислари томонидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Унда таъкидланганидек, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Адолат» ва «Моваройннаҳр» нашриётларида мазкур Қонун ва шу масалага оид Вазирлар Маҳкамаси қарорларини бажариш юзасидан тегишли ихтисослик йўналишлари бўйича адабиётлар нашр этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган. Шунингдек, бу борада айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган.

Хусусан, кейинги йиллар давомида «Адолат» ва «Моваройннаҳр» нашриётларида ихтисослигига таалуқли бўлмаган адабиётлар нашр этилган, давлат стандартларига тўлиқ амал қилинмаган, адабиётларнинг библиографиясини расмийлаштиришда ҳам ҳар хилликка йўл қўйилган.

Йиғилиш сўнггида шунга ўхшаш камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур тавсиялар берилди ва қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида «Малабар-Силк» Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхонаси иш бошлади.

«Bedil generel treding-LLC» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган корхонага замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди, 60 нафар хотин-қиз янги технологияларда ишлаш сирларини ўрганди. Эндиликда туманда ишлаб чиқарилаётган 214 тоннадан ортиқ пилланинг 120 тоннаси шу ерда қайта ишланиб, калава ҳолида четга экспорт қилинади.

— Наврўз байрами арафасида ушбу корхонанинг ишга тушиши ишчи-хизматчиларимизни беҳад мамнун этди, — деди қўшма корхона раҳбари Неъмат Тиллаев. — Ҳозирнинг ўзида бу ерда 120 ишчи ўрни яратилди. Корхонамизни янада кенгайтириб, ип-калавадан ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Бунинг учун ҳамкорларимиз билан келишган ҳолда яна битта линия ўрнатамиз. Ана шунда бу ерда касаначилик асосида янги иш ўринлари очиш мумкин бўлади.

Қўшма корхонанинг очилишида Навоий вилояти ҳокими Б.Рўзиев иштирок этди.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири

ЯНГИ УЙЛАР

Қашқадарё:

«Шўртангаз» унитар шўъба корхонаси ҳар йилгидек «Ижтимоий ҳимоя йили»да ҳам ҳар бири 40 хонадонга мўлжалланган 2 та кўпқаватли уйлар қуриш учун 4,2 миллиард сўм маблағ ажратди. Бу уйларни «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» ОҲЖ бинокорлари тиклашмоқда. Ҳадемай янги уйларга кўплаб оилалар кўчиб киришади.

СИФАТГА — ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТ


Муборак газни қайта ишлаш заводи «Global Conculting Network» қўшма корхонаси билан ҳамкорликда «ISO 9001:2000» халқаро стандартига мос сифат менежменти тизимини жорий этди. Натижада «DQS Quality Systems» компанияси аудиторлик томонидан ўтказилган сертификатлаштириш аудити эришилган кўрсаткичларни юқори баҳолади ва заводга халқаро сертификат топширилди.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Xizmatlar litsenziyalangan

❖ Наврўз нафаси





ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМЛАР ТАРАДДУДИ

Ўзининг 2750 йиллик юбилейини катта тантаналар билан нишонлашга ҳозирлик кўраётган қадим Самарқандга баҳор ҳам ўзгача шукуҳ билан кириб келди. Зеро, бу йил рўйи замин цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган, башар аҳлини ҳайратга солган муаззам шаҳар бу йил қўшалоқ байрамга мезбонлик қилади: юбилей тантаналари ва «Шарқ тароналари» VI халқаро мусиқа фестивали Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги шодиёналарига ҳамоҳанг бўлиб кетади.

Биргина Наврўз айёми кунлари арафасида бу ерда 20 дан зиёд турли хил муҳташам иншоотлар фойдаланишга топширилди. Улар орасида замон талаблари даражасидаги 4 та меҳмонхона, Мирзо Улуғбек кўчасидаги «ЎзДЭУавто» автосалони, Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигидаги шифер маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ятро инвест» қўшма корхонаси, Саидризо Ализода номидаги маҳалла гузари ва «Ўздунробита» қўшма корхонасининг янги офиси, шунингдек, ўнлаб аҳолига савдо-маиший хизмат кўрсатиш марказлари бор.

— Бугун шаҳримизда қад ростлаётган ҳар бир иншоот ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган бош режа асосида олиб борилмоқда, — **дейди шаҳар бош меъмори Норқул Содиқов.** — 2750 йиллик юбилей тантаналарига қадар 200 га яқин турли хил катта-кичик иншоотлар ҳам тўла ишга тушади...

3-бет

❖ ЎзХДП ҳаёти

МОЛИЯВИЙ МАНБАЛАР

МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Кеча ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2006 йил учун Устав фаолиятини амалга оширишнинг молиявий манбаалари тўғрисидаги ҳисоботининг якунлари ва 2007 йилда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш вазифалари» мавзуида семинар-кенгаш ўтказилди. Унда партиянинг минтақавий кенгашлари раислари ва масъул ходимлари, партия фаоллари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Молия, Адлия вазирликлари вакиллари, экспертлари қатнашдилар.



Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилди.

Таъкидлаб ўтилдики, мамлакатимизда сўнгги йилларда кўппартиявийликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Хусусан, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши уларга янгича шароитларда ишлаш имконини берди. Устав фаолиятини амалга ошириш учун молиявий имкониятларни кенгайтирди. Ўзбекистон ХДПнинг ҳам устав фаолияти давлат томонидан молиялаштирилиши партияни ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди. Ўтган йиллар давомида ЎзХДПга давлат томонидан ажратилган маблағларнинг асосий қисми маҳаллий ташкилотларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Шу боис, маҳаллий кенгашларнинг бошланғич партия ташкилотлари, электорат орасида олиб бораётган ишлари сезиларли даражада жонланди. Фаолият йўналишлари сифат жиҳатдан кўтарилди, тарғибот-ташвиқот ишлари фаоллашди. Партияда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимини уч босқичда ташкил этишда дастлабки ташкилий-методик ишлар амалга оширилиб, бугунги кунда барча вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида ўқув-семинарлар бўлиб ўтмоқда. Улар ХДПнинг ижтимоий йўналтирилган дастурий мақсадларини ифодалайдиган замонавий кўргазмали ташвиқот воситалари билан таъминланди.

Сиёсий партиялар фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришнинг бошланиши уларнинг масъулиятини ҳам оширди. 2006 йилдан эътиборан партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига молиявий ҳисобот беришларининг қонуний механизми юзага келди. Табиийки, бу Ўзбекистон ХДП ташкилотларига ҳам молиявий-хўжалик фаолиятларини юритиш, маблағлардан самарали фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Шунингдек, анжуманда Ҳисоб палатаси бош инспекторлари О.Рустамов, А.Ҳамроқулов, Адлия вазирлигининг жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар бошқармаси бошлиғи Ж.Абдусатторов, вазирлик ҳисобчиси И.Лехт, Молия вазирлигининг бошқарув органларини молиялаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Г.Ориповалар ҳам маъруза қилдилар. Улар партиялар фаолиятини молиялаштиришнинг ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари, тушумлар тўғрилиги устидан назоратни ташкил этиш ва маблағлардан мақсадли фойдаланиш принциплари, харажатлар сметасини шакллантириш методикаси, юридик ва жисмоний шахслар билан шартномавий муносабатларнинг норматив-ҳуқуқий асослари, Адлия органларига ҳисобот беришнинг тартиби, бюджет маблағларидан фойдаланишдаги хусусият ва чекловлар ҳақида батафсил тўхталдилар. Бу борада партия ташкилотлари амалиётда дуч келаётган масалаларни ечиш юзасидан кенг тушунтириш бердилар. Кўплаб саволларга жавоб қайтардилар.

Тушдан сўнг семинар-кенгаш кичик гуруҳларда амалий машғулотларни давом эттирди.

(Ўз мухбиримиз)

❖ Муносабат

СОЛИҚ СИЁСАТИ ЭРКИНЛАШАДИ

ВА СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҲАМ ТАКОМИЛЛАШИБ БОРАВЕРАДИ

Президентимиз шу йил 12 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида солиқ сиёсатини эркинлаштириш ва солиқ органлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ишлар янада изчил давом эттирилишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Жумладан, 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»да **«Даромад солиғи ставкаларини 12 фоиздан 10 фоизга, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлов ставкасини 13 фоиздан 10 фоизга, шунингдек, ягона ижтимоий тўлов ставкасини 24 фоизгача камайтириш кузда тутилмоқда»** — деб уқтириб ўтдилар.

Юртбошимизнинг айни шу сўзларини тизимнинг ўтган йилги кўрсаткичлари билан солиштирсак солиқ сиёсатини эркинлаштириш ва солиқ органлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ишларнинг чиндан ҳам изчил давом этаётганлигини яққол кўриш мумкин. Масалан, 2006 йилда солиқ юкини камайтириш йўлида юридик шахслар даромадлари (фойда)дан олинадиган солиқ ставкалари 15 фоиздан 12 фоизгача, дивиденд ва фоизлардан олинадиган солиқ ставкаси 15 фоиздан 10 фоизгача, ягона ижтимоий тўлов эса 31 фоиздан 25 фоизгача камайтирилди. Экология солиғи ҳатто бутунлай бекор қилинди. Натижада республикамиз корхоналари, компания ва хўжаликлари ўз молиявий ресурсларини қўшимча 425 млрд. сўмга кўпайтирдилар. Бу эса инвестицияларнинг ўсишида, корхоналар айланма маблағини тўлдиришда ва меҳнатга ҳақ тўлашни ошириш учун (қўшимча манба бўлиб) хизмат қилишда катта роль ўйнади. Шунингдек, 2006 йилда давлат ва назорат тузилмаларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашуви кескин камайтирилди, хўжалик субъектлари ва тадбиркорларнинг иқтисодий эркинлиги ҳамда ҳуқуқлари доираси кенгайди.

Ана шундай шарт-шароитлар самараси ўлароқ, бизнинг Учтепа туманимизда тадбиркорлик билан шуғулланаётган кўпгина фуқаролар катта ютуқларга эришмоқдалар. Интизомли солиқ тўловчилар сони кун сайин ошиб бормоқда... Бироқ «ҳар тўқисда бир айб» деганларидек, яратилаётган шарт-шароитлардан тўғри фойдаланмасдан, ўз бурч ва мажбуриятларини бажармаётган ёки қонунга хилоф равишда хуфиёна иқтисод билан шуғулланаётган солиқ тўловчилар учраб турганлиги ҳам бор гап. Яқинда, аниқландики, ўтган йили туманда 304 та хўжалик субъектлари солиқ инспекцияларига белгиланган муддатларда ўз ҳисоботларини тақдим этмаганлар. Бюджет ва бюджетдан ташқари, мақсадли жамғармалар олдидаги бокимандалик қарзларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлар...

Дарвоқе, солиқ қонунчилигини бузган бундай тадбиркорларга нисбатан қўлланилаётган қонуний чораларга қарамай, ўтказилаётган назорат тадбирларида айрим савдо шохобчалари НКМни ўрнатмаслик ёки ундан фойдаланмаслик ҳоллари аниқланаяпти. Контрабанда йўли билан олиб келинаётган ва сифатсиз товарлар сотуви билан шуғулланаётган ўнлаб «ишбилармон»лар томонидан нақд пул тушумларини вақтида кирим қилмаслик ҳолатлари ҳам учраб турибди...

Биз солиқ органлари ходимлари ҳукуматимизнинг тизим сиёсатини янада эркинлаштириш йўлида олиб бораётган изчил ишларига доим камарбастамиз. Чунки, солиқ сиёсатининг эркинлашуви ва солиқ органлари фаолиятининг такомиллашуви, бу — мамлакатимизда эркин иқтисодиёт талабларининг тўлиқ жорий этилиши омилларидан биридир.

Раъно ҲОЖИХОНОВА, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани Давлат солиқ инспекцияси шўъба бошлиғи

❖ «Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

СЎЛ СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ ЁШ ЕТАКЧИЛАРИ

ФИКРЛАШДИЛАР, ТАКЛИФЛАР АЙТДИЛАР, МУЛОҲАЗА АЛМАШДИЛАР, ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД ҚИЛДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фаррухбек НАРЗУЛЛАЕВ, Сирдарё вилояти:

— Биз мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сўл сиёсий партиянинг ёшлар қаноти эканлигимизни унутмаслигимиз лозим. Шунинг учун асосий ишимиз жойларда турли тадбирлар, учрашувлар, семинарлар ўтказишдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Барча худудларда ёшлар ўртасида турли масалалар юзасидан мониторинг олиб боришимиз зарур. Унинг натижаларига кўра, керак бўлса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиздан сайланган депутатлар орқали тегишли қонунчиликка таклифларимизни айтамиз. Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз орқали сессиялар кун тартибига масалалар киритсак, бу ҳақиқий сиёсий партиянинг ёш фаолларига хос иш бўлади.

Дилафрўз ХУДОЙБЕРДИЕВА, Наманган вилояти:

— Айрим маҳаллий партия ташкилотлари раислари борки, ёшлар ташаббусига лоқайдлик билан қарайди, уларнинг фикрини ривожлантирмайди, қўллаб-қувватламайди. Ёшларнинг фикрлари, ташаббуслари рағбатлантирилса, қўллаб-қувватлансагина шу жойда ишлар юришади, олдинга силжиш, ўсиш бўлади, деб ўйлайман.

Алишер РАШИДОВ, Бухоро вилояти:

— Жойларга чиққанимизда, ёшлар орасига кирганимизда шунга гувоҳ бўлдикки, жуда теран фикрлайдиган, сиёсий савияси ҳам, ҳуқуқий саводхонлиги ҳам юқори, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеаларга фаол муносабат билдираётган тенгдошларимиз кўп. Афсус билан айтиш керакки, орамизда лоқайд, бирор нарсага қизиқмайдиган, кунимни бир амалаб ўтказсам бўлди, деб яшайдиганлар ҳам йўқ эмас. Биз эса интилувчан ёшларнинг куч ва имкониятларидан, салоҳиятидан фойдаланиб, бундай тоифадаги ёшларга таъсир ўтказишимиз, уларни фаоллик ва ишчанликка чорлашимиз зарур.

Иномжон ОРИПОВ, Фарғона вилояти:

—Ёшлар учун қизиқарли ва самарали бўлган тадбирлар, тренингларни ҳам бевосита жойларда, партиямизга хайрихоҳ бўлган ёшлар иштирокида ўтказсак мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Чунки партия фаолиятида асосий иш тарғибот-ташвиқотдан иборат. Ана шу тарғиботчиларни ўзимиз тайёрлашимиз керак. Бунда кўпроқ эскича йўлдардан қочиб, янгича, замонавий ва самарали усуллардан фойдаланиш зарур. Бевосита мулоқот, савол-жавоблардан қочмаслик керак.

Давра суҳбатида «Истиқбол» ёшлар қанотининг II конференциясини ўтказиш, турли вилоятлар, ҳудудлардаги ёш лидерларнинг ўзаро бир-бирлари билан ахборот, тажриба алмашинуви, ҳамкорлигини изчил йўлга қўйиш ва бошқа масалаларда ҳам фикрлашилди. Шунингдек, мулоқотларда Андижон вилоятидан Азамат Қобилов, Фарғона вилоятидан Зебо Мардонқулова, Тошкент вилоятидан Мунира Шокиржонова, Хоразм вилоятидан Санъат Қодиров, Тошкент шаҳридан Сайёра Деҳқонова, Навоий вилоятидан Ўткир Тўхтаев, Самарқанд вилоятидан Гўзал Расуловалар ҳам ўз мулоҳазалари билан иштирок этдилар.

Давра суҳбатини «Ўзбекистон овози» мухбири Беҳзод ШУКУРОВ олиб борди ва ёзиб олди

«НАВРЎЗ — ТИНЧЛИК ТИМСОЛИ»

Азалий ва ардоқли байрам — Наврўзи оламни халқимиз бошқаларга меҳр-мурувват улашиш, муҳтожга кўмак бериб, ўксик дилларга малҳам бўлишдек олий қадриятлар тантанаси сифатида ҳам улуғлаб келган. Мана шундай қадриятларни давом эттириш, қолаверса, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида яқинда Республика болалар кутубхонаси ташаббуси билан пойтахтимиздаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун «Наврўз — тинчлик тимсоли» номли хайрия тадбири ўтказилди.

Тадбирни Болалар кутубхонаси директори Фотима Бухарова очар экан, Наврўз байрами тимсолида меҳр-оқибат туйғуларини тарғиб этиш бугунги кунда халқимизнинг эзгу амалига айланганини таъкидлади. Шундан сўнг сўзга чиққан тадбир ташкилотчиларидан бири — «Тошшаҳартранссхизмат» уюшмасига қарашли 99-автобус йўналиши жамоаси раҳбари Неъмат Исмоилов тадбир қатнашчилари бўлган болажонларни Наврўз байрами билан табриклаб, уларга қимматбаҳо совғасаломларни тақдим этди.

Хайрия тадбири сўнггида бу ерга таклиф этилган «Ҳаёт» ёшлар театри актёрлари ўзлари тайёрлаб келган қизиқарли саҳна кўринишларини намойиш этдилар. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун байрам дастурхони ёзилиб, уларнинг кўнгиллари хушнуд қилинди.

Холида ҚОДИРОВА

❖ Тиббиёт: тажриба ва изланишлар

«МУТАХАССИСГА ВАҚТИДА МУРОЖААТ – ЯРИМ МУОЛАЖАДИР...»



Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти олимлари ҳамда клиникасининг тажрибали шифокорлари мамлакатимиз аҳолисининг сиҳат-саломатлигини муҳофазалаш ва тиклаш йўлида самарали изланишлар олиб боряпти. Бинобарин, институт клиникасида даволанаётган беморларни Тошкент Тиббиёт академиясининг гематология кафедраси мудири, профессор Нигора Холматова раҳбарлигида бир гуруҳ тажрибали мутахассислар ҳафтасига икки марта назоратдан ўтказадилар. Маълумки, клиниканинг 40 ўринга мўлжалланган 3-гематология бўлимида республикамизнинг барча вилоятларидан (15 ёшдан юқори) беморлар келиб стационар муолажалар оладилар. Клиникада асосан ўткир лейкоз, гемабластоз хасталигига чалинган беморлар даволанадилар.

— Беморлар учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди 3-гематология бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор Габит Калменов. — Замонавий тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар, тўғри ташхислаш муолажаларимизнинг сифат ва самарадорлигини оширяпти. Натижада клиникамизда аксарият беморлар соғлиқларини тиклаб қайтишяпти. Аммо мутахассис сифатида шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, гематология, қон касалликларини эрта аниқлаш, вақтида мутахассисга мурожаат қилиш — ярим муолажадир, яъни бемор ҳаётини сақлаш, даволашда жуда муҳимдир.

Бугунги кунда институт олимлари халқаро илмий-амалий ҳамкорликка алоҳида аҳамият қаратяпти. Жумладан, Россия Гематология маркази, Москва ва Новосибирск олимлари билан яқиндан алоқа ўрнатилган.

Саида ЙЎЛДОШЕВА

Суратларда: *бўлим мудири Габит Калменов ҳамда шифокор Қаноат Муҳамедова бемор билан; 3-гематология бўлими ҳамширалари Умида Расулова (чапдан), Дилноза Ваҳобова, шифокор Комила Ашрафхўжаева ҳамда катта ҳамшира Латофат Нажимовалар.*



Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

СИФАТЛИ ВА ШИФОБАХШ

«ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТИЗИМИДАГИ КОРХОНАЛАРДА ТЕМИР МОДДАСИ БИЛАН БОЙИТИЛГАН УН МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Айни дамларда мамлакатимиздаги донни қайта ишлаш корхоналарида «ЮНИСЕФ»нинг «Овқатланишни яхшилаш бўйича глобал альянс» халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда, қолаверса, унинг молиявий кўмагида ун маҳсулотларини темир моддаси билан бойитиш (фортификациялаш) ўзлаштирилди.

Бундай ун маҳсулотлари инсон саломатлиги учун (хусусан, камқонлик хасталигига қарши) жуда фойдали.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, бугунги кунда дунёда 40 фоиз аҳоли камқонлик хасталигига чалинган бўлиб, 75 фоиз аҳоли эса темир моддаси тақчиллигидан азият чекмоқда.

«ЮНИСЕФ»нинг пойтахтимиздаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Ўздонмаҳсулот» ДАК ҳамкорлигида ташкил этилган семинар-кенгашда ҳам мамлакатимизда аҳоли, айниқса, оналар ва



болалар саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди. Шунингдек, инсон организмида темир моддаси тақчиллиги туфайли юзага келадиган камқонликни бартараф этиш юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Ун ишлаб чиқариш корхоналари раҳбар ва мутахассисларининг унни бойитиш жараёнларига доир касбий маҳоратларини оширишга оид машғулотлар ўтказилди.

— Илгарилари корхонамизда фақат оддий ун маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда темир моддаси билан бойитиш (фортификациялаш) ўзлаштирилди, — дейди **«Тошкентдонмаҳсулот» акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш лабораторияси бошлиғи Галина Гузь.** — Биргина 2003 йилда корхонамизда 51 минг 370 тонна темир моддаси билан бойитилган ун ишлаб чиқарилган бўлса, 2004 йилда бу миқдор 81 минг тоннадан ортди. Жорий йилда ҳам кўрсаткичларимиз юқори бўлиши кутилмоқда. Ҳозирда биз унни бойитишда «Перемикс» русумли кукундан фойдаланмоқдамиз. Боиси, бундай кукун қўшилган ҳолда тайёрланган ун таркибида B_1 ва B_2 дармондорилари бўлиб, улар инсон саломатлиги учун ўта фойдалидир.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

АСОСИЙ МАҚСАД – ИНСОН ҲАЁТИНИ АСРАШ

ТАБИИЙ ОФАТЛАРГА ҚАРШИ ҲАМКОРЛИКДА КУРАШИЛСАГИНА КЎНГИЛСИЗЛИКЛАРНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ

Кейинги вақтларда сайёрамизнинг турли бурчакларида содир бўлаётган воқеаларни таҳлил қилсак, табиий офатлар ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. Содир бўлаётган табиий офатлар хусусияти ва кўлами билан хатарли тус оляпти. Ҳатто, айрим давлатларда табиий офатлардан келадиган зарар шу давлатнинг ялпи миллий даромадидан бир неча бор ошиб кетган ҳолатларни учратиш мумкин.

Республикамиз ҳудудида юз бериши мумкин бўлган турли фавқулодда вазиятларни башоратлаш, олдини олиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш ва бартараф этишнинг ҳамда аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлашнинг илмий асосланган услубларининг ишлаб чиқилиши хавфсизликни таъминлашнинг асосий омилларидан биридир. Хусусан, Жиззах вилоятининг Фориш, Бахмал, Янгиобод, Зомин туманларининг сел-тошқин хавфи мавжуд ҳудудларида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари кўриляпти.

Вилоятда шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларда ҳаракат қилиш режаси ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда режага асосан сел-тошқин хавфи мавжуд ҳудудлардаги аҳолини доимий ва вақтинчалик кўчириш ишлари олиб бориляпти. Аҳолининг хавфли ҳудудларга қайтиб келмасликларининг олдини олиш мақсадида хавфли ҳудудларга огоҳлантирувчи белгилар қўйилди. Сел-тошқин хавфи мавжуд ҳудудларга яқин жойлашган тиббий пунктлар захира дори-дармонлар билан таъминланяпти.

Аҳолини сел ва тошқин каби табиий офатлардан муҳофаза қилиш мақсадида Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Қутқарув отрядида кеча-ю кундуз навбатчилик ташкил этилган.

Шунингдек, вилоят ички ишлар бошқармаси, гидромет, соғлиқни сақлаш бошқармаси, ҳокимликлар ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари билан ҳамкорликда Янгиобод туманидаги Юқори Сармич, Зомин туманида, Бахмал туманидаги Новқа, Фориш туманидаги Учма, Баландомон, Боламон ва Сафарота қишлоқлари ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли пунктларида тактик-махсус ўқув машқлари ўтказиляпти. Бундан кўзланган мақсад — аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ўргатиш, ўқув машқи жараёнига жалб қилинган куч ва воситалар ёрдамида сой ҳамда бошқа сел йўллари қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини олиб бориш самарадорлигини оширишдан иборат.

Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтишни ўринли деб ўйлаймиз. Туман ҳокимликлари аҳолига ер участкалари ажратиш вақтида тегишли хизматлар билан биргаликда келишилган ҳолда иш тутса мақсадга мувофиқ бўлардй. Фуқароларимиз эса уй-жой қурилишида амалдаги меъёр ва қоидаларга риоя қилишлари керак. Шундагина кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олган бўламиз.

Элдор АРИПОВ, Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

❖ Наврўз қўшиқлари

ҚЎШГА ҚЎШДИМ ҚЎШ ҲЎКИЗ

ДАЛАГА ИЛК БОР ҚЎШ ЧИҚАРИШ ВА ДОН ЭКИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

Илгарилари қўш чиқариш вақтини табиатдаги уйғониш, юлдузларнинг ҳолати ва қушларнинг ўлкамизга қайтиб келишига қараб аниқлаганлар. Тажрибали деҳқонлар ҳут ойининг бошида томдаги қорлар эриб, бўғотлардан сув оқа бошлашини эътибор бериб кузатишган. Ҳатто бу давр ҳақида халқ орасида «Тушгача мугуз, тушдан кейин кигиз» деган нақл ҳам бор. Чунки томдан оқаётган қор суви кечга томон музлаб, сумалакка айланади. Шунинг учун «тушгача мугуз», яъни «шоҳдай қаттиқ» дейишган. Тушдан кейин ҳаво бир оз илиши билан сумалаклар



эриб, кигиздай юмшаб қолади.

Анъанага кўра, далага қўш чиқариладиган кунни қишлоқ оқсоқоллари белгилаб беришган. Ўрта Осиёда яшовчи халқлар ўзлари яшаб турган ҳудуднинг табиий-иқлимий шароитларидан келиб чиққан ҳолда экиш мавсумига оид турли-туман анъаналарни кашф этганлар. Хусусан, умр бўйи қўш ҳайдаб, омоч билан сурилган ерга барака уруғи қадашни яхши кўрган бухоролик кекса қўшчи Хайрулла Мулла Файзулла ўғлининг айтишича, Наврўз ёки йилбоши байрамидан кейинги илк чоршанба куни далага биринчи марта қўш солиш хайрли бўлар экан. Чунки чоршанба чош, яъни мўл-кўл дон уюми тимсоли деб тасаввур қилинган.

Далага илк бор қўш олиб чиқилаётганда, катта-катта дошқозонларда «қўш оши» пишираётган момолар: *«Илоҳим оқликка буюрсин, тўқликка чиқайлик! Сенинг шарофатинг билан тоғоратоғора ун элайлик!»*, — деб ҳўкизларнинг шохи орасига бир чимдимдан ун сепишган. Тажрибали деҳқонлардан яна бири Саъдулла Мирсапаровнинг айтишига қараганда, далага қўш чиқараётган кекса миришкорлар: *«Бу йил ҳосилимизга барака берсин, мўл-кўлчилик бўлсин, оёғинг теккан жойга Бобо деҳқон назар қилсин, хайру баракасини берсин!»* деб яхши ният билан ҳўкизларнинг оёқларига ун суртиб қўйишар экан.

Биринчи қўш чиққан куни ҳамма хонадонларда бўғирсоқ пиширib, «ис» чиқариларкан. Ана шу пиширикни кўпчилик еса йил баракали келади, дейдилар. Бўғирсоқ пиширилган мой билан ҳўкизнинг шохи, бўйни ва омочнинг тиғи мойланади. Шундан кейин оқсоқоллардан бири эл-юртга омонлик, тинчлик-хотиржамлик ва мўл ҳосил тилаб, дуо ўқийди.

Қоракўл туманининг Тангачар қишлоғида яшовчи Остонақул Жўраевнинг айтишича, ҳутнинг охирги чоршанба (ҳаво агар серёғин келса, йилбоши) куни деҳқон яхши ният билан:

Илоҳи омин,
Еримиз зўр бўлсин,
Экканимиз зар бўлсин,
Буғдойимиз чош бўлсин,
Еганимиз ош бўлсин,
Теварагимиз боғ бўлсин,
Ризқу рўзимиз тоғ бўлсин,
Бобо деҳқон давлат берсин,
Хирмонга баракат берсин!

— деб қўш ҳайдашган. Деҳқонлар экиш учун олиб келган ғалласининг бир қисмини атайлаб уйларига қайтариб олиб кетишаркан. Шундай қилинса, гўё йил бўйи ўша деҳқоннинг рўзғоридан барака аримас экан. Қадимда Хоразм вилоятининг Хонқа туманида истиқомат қилувчи деҳқонлар эса далага буғдой билан бирга бир ҳовуч жийда ҳам сочишган экан. Чунки жийда барака ва серҳосиллик тимсоли сифатида талқин қилинган.

Қадимда ерга илк бор уруғ сепиш жараёни ўзига хос рамзий маросим сифатида ўтказилган бўлиб, унда кекса зироаткорлардан бири Бобо деҳқон қиёфасига кириб қўш ҳайдашни бошлаб берган.

ДЕҲҚОН ДАЛА АЙЛАНДИ

(Гулистон туманидаги «Сайҳун йигитлари» фольклор-этнографик жамоасидан ёзиб олинган)

Деҳқон дала айланди,
Ҳўкиз шохи бойланди,
Омоч-мола, чўна тиш,
Деҳқон бобо шайланди.
Опкелгина омочни-я,
Отга қўшгин омочни-я.

Юртга баҳор келибди,
Ер тобига келибди,
Экин экиб далага
Мўл ҳосиллар олайлик,
Опкелгина омочни-я,
Отга қўшгин омочни-я.


Сепиб қўйдим буғдойни,
Буғдойниё, буғдойни,
Буғдой униб ун бўлса,
Ёпиб қўй ширмой нонни,
Опкелгина омочни-я,
Отга қўшгин омочни-я.

Ёмғир-ёмғир кўп бўлсин,
Қурғоқчилик йўқ бўлсин,
Арпа, буғдой бош тортсин,
Кайвонилар ош тортсин,
Опкелгина омочни-я,
Отга қўшгин омочни-я.

(Давоми бор.)

Маматқул ЖЎРАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

(Давоми. Боши ўтган сонларда)



ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМЛАР ТАРАДДУДИ


(Давоми. Боши 1-бетда)

Дарҳақиқат, бугунгача Шоҳи Зинда мақбарасидан Бибихоним масжиди мажмуасига қадар барпо этилган кўркам хиёбон, Сўғдиёна даҳасидаги «SOS» болалар маҳалласи маркази, Шоҳи Зинда мақбарасидан Тошкент трактигача бўлган янги йўл қурилиши ва ўнлаб замонавий қулайликларга эга меҳмонхоналар самарқандликлар учун чин маънода Наврўз туҳфаси бўлди. Бугун ўзининг асл шакли-шамойилига келтирилган эски шаҳарнинг қадимий сайилгоҳларида кўплаб меҳнат жамоалари ва ўқув юртлари талабалари катта бунёдкорлик ишлари олиб боришаяпти. Ажойиб меъморий ечим билан бунёд топган Алишер Навоий номли, «Сўғдиёна» ва «Ёшлик» боғлари ҳар қачонгидан гавжум.

— «Моваройуннаҳр тилла узуқ бўлса, Самарқанд унинг гавҳар кўзи» дейилган ҳикмат бор, **— дейди ЎзХДП вилоят кенгаши қошидаги «Донишманд» оқсоқоллар кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос ва партиямиз фаоли Азиз Юнусов.** — Мустақиллик йиллари шу ҳикматга муносиб даражада қатор улуғвор ишлар амалга ошдики, уларнинг ҳаммасини ҳозир бирма-бир санаб ўтишнинг ўзи мушкул... Бири-биридан кўркам иншоотлар, обидалар, хиёбонларни қаранг... Миллий менталитетимизга хос замонавийлик билан йўғрилган истироҳат боғлари, қўшма корхоналар, савдо-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари...

Ҳа, Самарқанд баҳорида бу йил ўзгача шукуҳ. Олдинда Наврўз айёми, сўнгра яна қўш-қўш байрамлар...

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Суратларда: *Самарқанд шаҳридаги бугунги бунёдкорлик ишларидан лавҳалар.*

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар.

XORIJDA

КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛАДИ

Чеченистон Президенти Рамзан Қодиров республика Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилишига эҳтиёж сезилаётганини маълум қилди.

«Чеченистон Республикаси Россия Федерациясининг бир қисми ҳисобланади. Шундай экан, бизнинг қонунларимиз федерация қонунларига монанд бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда республика Конституциясига ўзгартишлар киритилишига эҳтиёж сезилмоқда». Президентнинг бу фикрларини президент маъмурияти ва ҳукумат раҳбари Абдулқодир Изроилов парламентда чиқиш қилиб, депутатлар эътиборига ҳавола этди.

Маълумки, Чеченистон Конституцияси 2003 йил мартда референдум йўли билан қабул қилинган. Унда Чеченистон Республикасининг Россия федерацияси таркибидан чиқиши ҳақидаги гап-сўзларга нуқта қўйилган, яъни Конституцияга кўра, бу борада гап бўлиши мумкин эмас. Негаки, асосий қонунда Чеченистон Россиянинг субъекти деб қайд этилган.

Лекин Конституция қабул қилингандан бери 4 йил вақт ўтди. Бу давр мобайнида Россияда кўплаб қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди, янгилари қабул қилинди. Рамзан Қодировнинг айтишича, — дейилади «Интерфакс» ахборотида, — Чеченистон Конституцияси бу қонунларга мос тушмай қолди.

Эслатма: Чеченистон парламенти 2006 йил июлдан янги асосий қонун лойиҳаси устида иш бошлаган. Ўшанда республика Халқ мажлиси спикери Дукваҳи Абдураҳмонов амалдаги Конституция жиддий таҳрирга муҳтожлигини таъкидлаган эди.

Ўзгартишлар асосан чегара, республика етакчисини сайлаш ҳақидаги моддаларга киритилади. Шунингдек, парламент тўғрисидаги модда ҳам таҳрир қилинади. Чунки парламент ҳозир амалда бўлганидек икки палаталик эмас, балки бир палаталик парламентга айлантирилади. Конституцияга бошқа қўшимчалар киритиш ҳам назарда тутилмоқда.

Лойиҳа тайёр бўлгач, у референдум йўли билан қабул қилинади.

УЧ ҲАФТА ОЛДИН ЎТДИ

АҚШда электр энергия сарф-харажатларини камайтириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида бу йил ёзги вақтга ҳар доимгидан 3 ҳафта аввал ўтилди, яъни соат миллари бир соат олдинга сурилди, дея хабар беради «BBC» радио эшиттиришлар корпорацияси.

Одатда бу иш мартнинг охирги якшанбасида амалга ошириларди. Энди бу вақтнинг якунланиши ҳам бир ҳафта ортга суриладиган бўлди, яъни 4 ноябрда қишки вақтга ўтилади.

Бундай ташаббус муаллифлари бўлмиш конгрессменлар — Эдвард Маркея ва Фред Аптонларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бу тадбир 2020 йилгача 4,4 миллиард долларлик энергияни иқтисод қилиш имконини бераркан. Шунингдек, ёзги вақтга барвақт ўтиш табиий газ истеъмолини ҳам қисқартириб, атмосферага карбонат ангидрид чиқариш ҳажми камайишига сабаб бўларкан.

Танқидчилар эса бу тадбир компьютерлар иш фаолиятига ва электрон йилномага салбий таъсир этиши мумкинлиги ҳақида таъкидламоқдалар.

Дарвоқе, Канада ҳам ёзги вақтга барвақт ўтди.

ЯНГИ ҲУКУМАТНИ ТАН ОЛМАЙДИ

Маълумки, Фаластин мухторияти етакчиси Маҳмуд Аббос бош вазир Исмоил Хония тақдим этган миллий бирлик ҳукуматининг янги таркибини куни кеча тасдиқлаган эди. Бу таркибга барча фракцияларнинг вакиллари киритилганлиги боис ҳукумат Араб ва Европа мамлакатлари томонидан қўллаб-қувватланишига ҳамда Европа ва АҚШ жорий этган молиявий «қамал»нинг бекор қилинишига умид бор эди. Бироқ, Исроил маъмурияти Фаластин ҳукуматини тан олмаслигини билдириб, у билан алоқа қилмаслигини уқтирди. «Янги ҳукумат ўз дастурида учта халқаро принципни (ЕИ, БМТ, Россия ва АҚШ талаби) инобатга олмаяпти. Шунинг учун уни тан олмайди ва халқаро ҳамжамиятни бойкот эълон қилишга чақиради» деди Исроил Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Эдди Шапира.

Исроил халқаро уч принцип деганда қуйидагиларни назарда тутмоқда: Фаластин маъмурияти томонидан яҳудийлар давлати ҳуқуқлари тан олинишини; Исроил — Фаластин ўртасида тузилган аввалги шартномага амал қилинишини; Исроилга қарши террор амалиётидан воз кечилишини.

Янги ҳукумат эса ўз дастурига Фаластиннинг қонуний ҳуқуқлари Исроил томонидан тан олинишини, Исроил ҳарбийларининг босқинчиликлари тўхтатилишини, қачонки Фаластин озодликка эришиб, мустақил бўлгачгина фаластинликлар қаршилик кўрсатишдан тўхташи алоҳида таъкидланган. Мустақил бўлмагунча Фаластин халқининг қаршилик кўрсатиши қонуний ҳисобланади, деб эътироф этилган.

«Associated Press» ахборотига кўра, янги ҳукумат таркиби бугун Фаластин парламенти тасдиғига киритилади.

СИЁСИЙ БОШПАНА СЎРАДИ

Ироқнинг олий трибунали раҳбари, собиқ президент Саддам Ҳусайн ва унинг ҳаммаслакларини қатл этишга ҳукм чиқарган судья Рауф Абдул Раҳмон Буюк Британия маъмуриятига мурожаат этиб, ўзи ва оиласи учун сиёсий бошпана сўради.

Бу ҳақда Қатарнинг «Al Jazeera» йўлдошли телеканали хабар тарқатди.

Абдул Раҳмон ўтган йил декабрдан бери Буюк Британияда сайёҳлик визаси бўйича юрибди.

Унинг сиёсий бошпана сўраши бежиз эмас, — дейилади хабарда. — Унга нисбатан таҳдид қилинган бўлиши мумкин. Ахир суд жараёнлари давом этаётган пайтда бир неча қотиллик юз берди. Жумладан, 2006 йил октябрда Саддам Ҳусайн иши бўйича бош айбловчи Муҳит ал-Фарунннинг акаси номаълум шахслар томонидан ўлдириб кетилган эди. Аввалроқ, яъни сентябрда ҳам шундай фожиа содир этилган. Ўшанда судья Муҳаммад Орейби ал-Қалифанинг қайноғаси ўлдирилган. Июнда эса мазкур ишлар бўйича етакчи адвокатлардан бири Хамис Обейди ўғирланган ва ўлдирилган.

●●●

Қуйидаги хабар ҳам Ироқ ҳаёти билан боғлиқ.

«BBC World» маълум қилишича, апелляция суди мамлакатнинг собиқ вице-президенти Тахи Ёсин Рамазон иши юзасидан Ироқ олий трибунали томонидан чиқарилган ҳукмни тасдиқлади. Ушбу ҳукмга кўра, Рамазон дорга осиш йўли билан қатл этилади.

Маълумки, у 2006 йил 5 ноябрда Олий трибунал томонидан умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилган эди. Бир ойдан сўнг апелляция суди унга нисбатан ўта кўнгилчанлик қилинганлигини тан олди ва ишни қайтарди. Трибунал бу ишни қайта кўриб чиқиб, Рамазонни ўлим жазосига маҳкум этди. У ҳам 1982 йили Ад-Дужайл қишлоғида 148 нафар шианинг ўлдирилишида айбдор деб топилган. Ўшанда бу қишлоқда Саддам Ҳусайнга нисбатан уюштирилган суиқасд шиаларнинг оммавий қирғинига сабаб бўлган эди.

Эслатиб ўтамиз: Ироқнинг собиқ президенти Саддам Ҳусайн, унинг ўгай акаси, Ироқ разведкасининг собиқ раҳбари Барзан Иброҳим ат-Тикрити ва Олий суднинг собиқ раиси Авод Ҳамид ал-Бандарлар айнан шу иш бўйича айбланиб, дорга осиш йўли билан қатл этишга ҳукм қилинган. С.Ҳусайн устидан ушбу ҳукм ижроси 2006 йил 30 декабрда — Қурбон ҳайити куни ижро этилган. Иброҳим ал-Тикрити билан Ҳамид ал-Бандар эса 2007 йил 15 январда қатл этилган.

❖ Банк ва мижоз

ТАДБИРКОРУ МУЛКДОРГА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Кейинги йилларда Бухоро вилоятида кўплаб боғ-роғлар яратилди. Айниқса, боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланадиган хўжаликлар фермерларга бўлиб берилгач, соҳада кескин ўзгаришлар юз берди. Мева ва узум етиштириш кўпайди. Бу ўз навбатида тайёрланган ҳосилни қайта ишлаш учун тегишли корхоналар кераклигини тақозо этди. Вилоятдаги ишбилармон, тадбиркор ва кичик бизнес вакиллари эҳтиёж моҳиятини чуқур англаб, дарҳол амалий ишга киришдилар.

Тадбиркор Миршод Воҳидов шундайлардан бири бўлди. У кўпдан буён мева ва сабзавотни қайта ишлайдиган корхона ташкил этишни орзу қилиб юрарди. Ниҳоят эзгу нияти амалга ошди.

Келинг, яхшиси корхона фаолияти ҳақида унинг ўзи айтсин:

— 2003 йили Бухоро туманида «Bukhara Golden Fruit» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасини ташкил этдик. АТ «Пахтабанк» вилоят бошқармаси ёрдами билан Италиянинг «Bertuzzi» компанияси технологияси асосида соатига 20 тонна мевани қайта ишлашга мўлжалланган консерва заводи лойиҳасини амалга оширдик. Ушбу лойиҳа АТ «Пахта Банк» томонидан тасдиқланди. Осиё Тараққиёт банки кредит линиясидан 1 миллион 714,8 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. Мева концентратлари ва томат пастаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 30 та қўшимча ишчи ўринлари яратилди. Бундан ташқари, ёз ва куз ойларида ёлланма ишчилар қабул қилиб, улар сонини 150 нафарга ҳам етказган пайтлар бўлаяпти...

— Ишлаб чиқариш жараёни қандай кечди? Харажатлар ўзини оқлаяптими?

— Ҳозирча ишларимиз ёмонмас. Айниқса, 2005 йилдан буён ёз-куз ойларида хомашё сероб, маҳсулотларимиз харидоргир...

Дарвоқе, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини замонавий технологиялар асосида қайта ишлаш мақсадида ташкил этилган «Бухара Голден Фрут» агрофирмаси бугунги кунда берилган валюта кредити ҳисобига келтирилган ускуналар ёрдамида 4007 тонна ҳажмда ўрик, шафтоли, олма маҳсулотларидан сифатли мева концентратлари ва помидор пастаси ишлаб чиқараяпти. Бугунгача бу ерда 1104 млн. сўмлик маҳсулот тайёрланиб, унинг 741 тоннаси (402 млн. сўмлиги) хомашё биржаси орқали хорижга — АҚШ, Хитой, Туркия, Россия давлатларига жўнатилди. 1964 тонна, яъни 178 млн. сўмлик мева концентрати эса республика ички бозорида сотилди. Биргина 2006 йил мавсумида 1632 тонна ўрик концентратлари ва 91 тонна томат пастаси (жами 1723 тонна маҳсулот) тайёрланган бўлиб, шундан ҳозирги кунда 1082 тонна тайёр маҳсулот республика ҳамда ташқи бозорда сотиш учун корхона омборларида сақланмоқда.

Яна бир мисол: АТ «Пахта банк»нинг Ғиждувон бўлими Шавкат Ҳамидов раҳбарлигидаги «Умид Дилкаш» хусусий фирмасига дурадгорчиликни ривожлантириш мақсадида банк ресурслари ҳисобидан 3 йил муддатга ўн миллион сўм кредит ажратганди. Фирма асбоб-ускуналар ва хомашё сотиб олиб, ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйди. 2006 йилда маҳсулот сотишдан тушган тушум 52857 минг сўмга етди. Соф фойда 28659,0 минг сўм, рентабеллик эса бир неча баробар кўп бўлди. 7 та янги иш ўрни ҳам яратилди...

«Фародиба» фирмаси раҳбари Матлуба Жамолова ҳам банк бошқармаси фаолиятидан миннатдор.

— Оиламиз аъзолари билан ёғочни қайта ишлаб, эшик ва дераза ромлари тайёрлаш цехи очиш мақсадида «Пахтабанк» вилоят бошқармасидан 13 миллион сўмлик имтиёзли кредит сўрадик, барака топсинлар, йўқ дейишмади...

— Ишлар юришдими? Хомашё, маҳсулот, харидор...

— Албатта, ёғоч-тахтани Россиянинг Курган вилоятидан тўғридан-тўғри оляпмиз. Мижозларимиз кўп. Даромад яхшигина. Ўтган икки йилда 15 миллион сўм соф даромад олдик. Кредитнинг асосий қисми сўнди. Йигирмата янги иш ўринларига эга бўлдик... Энди ишлаб чиқаришни кенгайтиришни мўлжаллаб турибмиз. Банкдан яна 15 миллион сўм кредит олиб, Туркиядан яна бир замонавий технологик линия харид қилдик.

Вилоят «Пахтабанк» бошқармаси фаолиятида бундай мисоллар талайгина. Унинг бўлимларида 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра турли мулк шаклидаги 13434 тадан ортиқ юридик ва жисмоний шахслардан иборат кенг соҳа мижозлари комплекс хизматдан баҳраманд.

Вилоятнинг 11 туманида филиал ҳамда 50 та мини банк мавжудлиги ҳам бошқарма фаолият ҳажмини янада кенгайтириш учун қулай имкон бермоқда.

Шунингдек, жозибадор омонат турларига жалб қилинган омонатлар миқдори (шу йил бошига қадар) 9733 млн. сўм бўлган бўлса, унинг таркибидаги муддатли омонатлар ҳажми 5828 млн. сўмни (жами омонатларнинг 59 фоизини) ташкил этди. Кредит қўйилмалари кўрсаткичлари ҳам диққатга сазовор: 2006 йил бошида у 16535 млн. сўм эди, 2007 йил 1 январь ҳолатида 22502 млн. сўмга етди. Яъни, ўсиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5967 млн. сўм (36 фоиз) бўлди.

Банк томонидан қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи «Агромашсервис», «Ўзпахтасаноат» вилоят уюшмалари ҳамда «Қишлоқхўжаликкимё» тизимидаги жами 54 та корхонага кредитлар ажратиш ҳамда уларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш бўйича йил давомида 8658 млн. сўмлик факторинг хизматлари ижро топди.

Банк бўйича жами 54 нафар мижозга 498856 минг сўмлик лизинг хизматлари амалга оширилди.

Бугунги кунда 50 та мини банк орқали 3321 мижоз, жумладан, 2622 та фермер хўжалиги банкнинг барча хизмат турларидан фойдаланмоқда. Мини банк мижозларига 2006 йил давомида 13178 млн. сўм кредит йўналтирилди.

Туман бўлимларида аҳолидан коммунал тўловларини вақтида ва сифатли йиғиб олиш мақсадида 12 та махсус шохобча ишга туширилди. Уларнинг фаолияти устидан кичик мониторинглар олиб борилмоқда.

Банк эндиликда олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқишга кирган талабаларга ҳам таълим кредитлари бера бошлади. 2007 йил 1 январь ҳолатига жами 177 та талаба 60,7 млн. сўм миқдорида шундай кредитлар олишди. 478 та мижозга 506 млн. сўмлик истеъмол кредитлари ажратилди. 11344 та кичик бизнес субъектларига 2006 йил давомида 2820 млн. сўм миқдорида кредит маблағи йўналтирилди.

Энг муҳими, бу кредитлар эвазига 1901 та янги ишчи ўринлари яратилди, 1526 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Жумладан, оилавий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2006 йилда 82 та оилага 109 млн. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 251 та мижозга 191,5 млн. сўмлик кредит (чорвачиликни ривожлантиришга) йўналтирилди.

Мухтасар айтганда, бошқарма жамоаси қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш, деҳқон-фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркору мулкдорнинг ишончли ҳамкорига айланиш йўлида анчайин ибратли ишларни амалга оширди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

ТАШКИЛОТ

дастурий таъминот ва узлуксиз электр таъминоти манбалари билан биргаликда шахсий компьютерлар, кўп функцияли қурилмалар (ксерокс+принтер+сканер), лазер ва матрицали принтерлар ҳамда сервер ускунаси тўпламини етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади.

Тендерда қатнашиш учун Dell, HP, Lenovo шахсий компьютерлари, Microsoft дастурий таъминоти, APC ва MGE узлуксиз электр таъминоти манбалари, Canon ва HP периферияси, жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқилган матрицали принтерлари, IBM, HP, SUN Microsystems сервер ускуналари, APC, MGE, HP, IBM, SUN Microsystems сервер узлуксиз электр таъминоти манбалари, Cisco, 3Com, HP тармоқ ускуналари, ҳамда Oracle маълумотлар базаси ва дастурий таъминоти улгуржи савдоси билан шуғулланувчи хорижий ва маҳаллий компания ва фирмалар таклиф этилади.

Буюртмачи – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

Тендерда иштирок этиш истагида бўлган ташкилотлар Ўзбекистон бозорида ўзини кўрсатган, юқорида тилга олинган қурилма ва ускуналарни ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри алоқаларга ва улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни республика ҳудудига етказиб бериш ваколатига эга бўлишлари зарур. 2007 йил 19 мартдан бошлаб ташкилотлар тендер ҳужжатларини (ТҲ) тендер комиссияси ишчи гуруҳи манзили бўйича олишлари мумкин ва бунинг учун улар ТҲ олиш ишончномасини ва қуйида кўрсатилган ҳисоб рақамларига қайтариб берилмайдиган 200 АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ёки пул ўтказиш вақтидаги Марказий банк курси бўйича унинг эквивалентини тўлаганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжатини тақдим этишлари зарур:

— **тўловни сўмда амалга ошириш учун:** 21506 00060 01000 01013 Марказий банкнинг Тошкент шаҳри бўйича бош бошқармаси ҳисоб-касса маркази, МФО 00014, ИНН 201 122 919.

— **АҚШ долларида:** 21506 84030 01000 01007
Beneficiary bank: Central Bank of the Republic of Uzbekistan
SWIFT Code: CB UZ UZ 22
Corr. Acc. 36115651
CITI BANK, New York, USA
SWIFT Code: CITI US 33

Тендер ҳужжатларини олиш учун тендер комиссияси ишчи гуруҳи манзили:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ахборот-ҳисоблаш маркази (503-хона),
тел. 139-42-38, 139-11-68

Тендер таклифлари тендер комиссияси ишчи гуруҳи томонидан 2007 йил 19 апрель соат 18:00 гача қабул қилинади.

Тендерда иштирок этиш учун тендер иштирокчилари буюртмачининг ҳисоб рақамига иккита лот бўйича иштирок этиш учун 20 000 АҚШ доллари (ёки МБ курси бўйича унинг эквиваленти), битта лот бўйича иштирок этиш учун 10 000 АҚШ доллари (ёки МБ курси бўйича унинг эквиваленти) миқдорида депозит ўтказишлари зарур.

Етказиб бериш шартлари: хорижий етказиб берувчилар учун C.I.P., маҳаллий етказиб берувчилар учун D.D.P. Тошкент (Инкотермс 2000 таҳрири) шартлари бўйича.


Етказиб бериш муддатлари: тузилган шартнома юридик кучга кирган кундан бошлаб 60 календар кунидан ошмаслиги лозим.

Тендер иштирокчиларининг малакавий саралаш босқичи 2007 йил 20 апрель соат 15:00 да буюртмачи манзили: Тошкент ш., Мустақиллик майдони — 5, 3-қават, Мажлислар залида ўтказилади.

❖ Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур

ОРЗУЛАРГА ҚАНОТ МАСКАН

ПАРКЕНТ ТУМАНИ БОЙҚОЗОН ҚИШЛОҒИДАГИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ МАЖМУАСИНИ КЎРГАН КИШИНИНГ ҲАВАСИ КЕЛАДИ



Истиқлол йиллари манзарасига назар ташласак, кўз олдимизда юртимизга янгича чирой берган минглаб муҳташам иншоотлар — кўприклар, фавворалар, маданият ва истироҳат масканлари қаторида кўплаб замонавий спорт мажмуалари ҳам қад ростлаётгани қалбимизга фахр-ифтихор бағишлайди. Энг муҳими, уларда юртимиз умидлари, эртанги келажагимиз асосчилари камол топаётганини кўриб, бу саъй-ҳаракатлар ҳозирданоқ ўз меваларини бераётганига гувоҳ бўламиз.

Биз, одатда, энг замонавий тарзда қурилган спорт комплексларини, маданий-маиший иншоотларни фақатгина шаҳарларда кўришга ўрганиб қолганмиз. Лекин бундай масканларни бугун юртимизнинг исталган бурчагида кўриш мумкин. Яқинда Паркент туманида бўлганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Туманнинг Бойқозон қишлоғида кўплаб қулайликларга эга бўлган — футбол майдони, волейбол ва баскетбол, замонавий кураш майдони, тренажёр зали, теннис кортлари, тўрт юз ўринли маданият саройи, ўқув мажмуаларига эга маданият ва спорт мажмуаси қад ростлаган.

— Кўриб турганингиз маданият ва спорт мажмуаси бундан уч йил муқаддам мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида қуриб битказилганди, — **дейди Бойқозон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳасан Ғуломов.** — Унинг бунёд этилишида собиқ «Бойқозон» ширкат хўжалиги раиси Тоҳир Холтоевнинг хизматлари катта. Қолаверса, туманимиздаги мутасаддиларнинг саъй-ҳаракати билан шундай ташландиқ жой обод, муҳташам гўшага айланди. Бугунги кунда бу ерда туман маданият ва спорт бўлими филиаллари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими томонидан ташкил этилган «Салоҳият» ижтимоий хизматлар маркази фаолият кўрсатмоқда. Маҳалламиз ўғил-қизлари ҳам шу ерда. Улар спорт билан шуғулланиб, касб-ҳунар сирларини ўрганишмоқда.

— Ўтган йили мажмуага янги спорт жиҳозлари сотиб олиш мақсадида Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент вилояти ҳамда Паркент туман бўлими ҳисобидан қирқ миллион сўмлик маблағ ажратилди, — **дейди биз билан суҳбатда туман болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бош мутахассиси Мирвоҳид Мирабдуллаев.** — Бугунги кунда спорт мажмуасининг ўзида 200 дан зиёд ўғил-қиз футбол, волейбол, баскетбол, белбоғли кураш, катта ва кичик теннис, оғир атлетика каби спорт турлари билан шуғилланишмоқда.

Дарҳақиқат, кўрсатилаётган бундай эътибор туфайли ёшлар ҳам муайян ютуқларни қўлга киритишаётганини улар билан суҳбатлашиб, ўзимиз ҳам ҳис қилдик. Марказда шуғулланаётган ёшлардан тузилган 31-мактаб жамоаси 2007 йилги «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг вилоят ҳудудий босқичида белбоғли кураш бўйича биринчи, баскетбол бўйича ҳам юқори ўринларни олишгани ушбу муваффақиятларнинг биридир.

— Бир неча йилдан буён болаларга футболдан сабоқ бериб келмоқдаман, — **дейди болалар ва ўсмирлар спорт мактаби футбол гуруҳи мураббийси Ҳусомиддин Ҳасанов.** — Ҳозир гуруҳимизда 60 дан зиёд болалар шуғулланади. Мунтазам мусобақалар уюштириб турамиз. Ёз ойларида болалар таътилда бўлгани билан фаолиятимиз тўхтаб қолмайди. Истеъдодли, умидли ёшларимиз кўп. Тўлқин Топилов, Сардор Мирсаъдиев, Сабриддин Йўлдошев, Сарвар Нутқиддиновлар шулар жумласидан...

Ихтиёр МАНСУРОВ, футбол тўгараги аъзоси:

— Ўн икки ёшимдан футбол билан шуғулланиб келаман. Илгари кўп касал бўлардим. Спорт билан шуғуллана бошлагач, ҳозирда ўзимни тетик, соғлом ҳис қиламан. Кўп мусобақаларда қатнашдим, жамоамиз билан қатор натижаларга эришганмиз.

— Масканимизда маданий ҳордиқ чиқариш учун ҳам шароитлар бор, — **дейди Бойқозон маданият уйи раҳбари Мақсудхон Ганихонов.** — Мажмуа қуриб битказилгач, туман ҳокими қарори билан бу ерда маданият уйи ташкил қилинди. Ҳозирда унда саккизта тўгарак фаолият олиб бормоқда. Ёшларда, айниқса бадиий ҳаваскорлик ва фольклор тўгаракларига қизиқиш катта. Фольклор дастамиз уч йилдан буён туманда совринли ўринларни эгаллаб, вилоятда туманимиз шарафини ҳимоя қилиб келмоқда. Бундан ташқари, болалар учун тўгаракларимиз ҳам ишлаб турибди. Пазандачилик ва тикувчилик тўгаракларига ҳам ўқувчилар билан гавжум.

Марказда илмга чанқоқ ёшларга билим сирларини ўргатиш, уларни дарсдан бўш вақтларида спорт ва миллий ҳунармандчилик билан шуғуллантириш борасида ҳам қатор ибратли ишлар олиб борилмоқда экан. Бунда «Салоҳият» ижтимоий хизматлар марказининг роли катта. Марказ ташкил этилганига эндигина икки йил бўлганига қарамай, нафақат қишлоқ фарзандлари, балки бутун туман ўқувчи-ёшлари меҳрини қозона олди.



— Ўтган йили 150 нафардан зиёд ўқувчи марказимизга жалб этилган бўлса, бу йил уларнинг сони 380 нафарга етди, — **дейди «Салоҳият» ижтимоий хизматлар маркази раҳбари Муқаддас Юсупова.** — Бу ёшлар айни пайтда тикувчилик ва пазандалик, ёғоч ўймакорлиги, компьютер курсларида сабоқ олишмоқда. Шуни мамнуният билан айтаманки, барча ўқувчиларимиз бизда вақтлари унумли ўтаётганидан, ўзлари қизиқкан соҳалар бўйича ўқиб-ўрганаётганидан хурсанд.

— Келганимга бор-йўғи уч ой бўлди. Шу қисқа вақт ичида анча нарсаларни ўргандим. Ўзбекча кўйлак, дўппи тикишни билиб олдим, — дейди ўзини **Ноила Тожибоева** деб таништирган қиз.

— Спорт билан шуғулланган боладан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди, — **дейди шу худудда яшовчи Ўринбой Эшов.** — Икката ўғлим ҳам шу ерда шуғулланишади. Энг муҳими,доимо назоратда.

Мажмуада ўтказилаётган машғулотларни кузатарканмиз, бу ерда спорт болалар учун аллақачон ҳаёт мазмунига айланиб улгурганига, улар ўз келажагини спортда тасаввур қилишини кўриб, беҳад қувондик. Бу ёшларнинг орзу-ниятлари — Миржамол Қосимов сингари футбол юлдузи бўлиб ўзбек футболини ёрқин ғалабаларга буркаш, Ирода Тўлаганова каби теннис маликаси бўлиш, Муҳаммадқодир Абдуллаевдек чемпион деган шарафли номни эгаллашдир. Бундай орзу-истакдаги ёшлар оз эмас.

Жасур ҲУСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: *Бойқозон маданият ва спорт мажмуаси фаолиятидан лавҳалар.*

Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар



❖ Бир хат изидан

ЎЙИНГОҲ ТОМОРҚАГА БЕРИЛДИ

ЎЙИНГОҲ УЧУН АЖРАТИЛГАН ЯНГИ ЖОЙ ЭСА ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРМАЙДИ

«Истиқлолдан кейинги йилларда қишлоғимиз ёшларининг спорт билан шуғулланишлари учун 1 гектар ер ажратилиб, бу ерда футбол ўйингоҳи ташкил қилинди. Атрофига 500 туп терак экилган бу майдон ёшларнинг севимли масканига айланган эди. Ўйингоҳда қишлоқлараро, мактабларараро спорт мусобақалари ўтказиларди. Афсуски, шу ўйингоҳ томорқа участкаларига айлантирилмоқда.

Т.Рўзиқулов, О.Юнусов, М.Тошпўлатов, жами 12 имзо».

Ўзбекистон туманидаги «Қайнар» фуқаролар йиғини идорасидан бироз наридаги шу ўйингоҳга келганимизда, у аллақачон бўлиниб, у ер-бу ерга тагзамин учун шағал тўкилган, фақат четида қулаб ётган футбол дарвозасигина бу ернинг спорт майдони бўлганлигини эслатиб турарди.

— Ўтган йилнинг баҳорида бу ер томорқа майдони учун ажратилган, стадионни эса бошқа жойга кўчирганмиз, — дейди «Қайнар» фуқаролар йиғини раиси А.Абдуллаев. — Янги стадион қуриш учун эса эски футбол майдони ўрнидан томорқа ери олган одамлардан 300 минг сўм пул тўплаганмиз.

— Эски стадионнинг ҳужжатлари борми?

— Йўқ. Ўша даврдаги жамоа хўжалиги раисининг оғзаки буйруғи билан стадионга ер ажратилган.

— Ўша стадион йўл бўйида ёшларнинг келиб шуғулланишлари учун қулай жойда эди, — дейди таҳририятга йўлланган хат муаллифларидан бири Турдали Рўзиқулов. — Қишлоқнинг «Дўстлик» футбол жамоаси бор. Футболчиларимиз турли мусобақаларда иштирок этарди. Ёшларнинг спорт билан шуғулланишларига бу ерда қулай шароитлар бор эди.

— Биз, — дейди Ойбек Юнусов, Муҳсин Тошпўлатов, Рустам Мадмаров каби ёшлар, — шу стадион ўрнидан томорқа ери олган одамлар билан юзма-юз гаплашдик. Уларнинг ҳаммаси агар бошқа ердан томорқа берилса, дарҳол бу жойдан воз кечишларини айтишди. Ахир, улар ҳам стадион қишлоқ ёшлари учун қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунишади...

Янги стадион учун ажратилган жойни ҳам бориб кўрдик. Маълумки, катта футбол майдони учун узунлиги 90-110 метр, эни 64-76 метрли текис жой талаб қилинади. Бироқ, янги стадион учун ажратилган майдон бу талаб даражасидан анча йироқ...

— Албатта, стадионни томорқа майдонлари учун ажратиш баҳсталаб масала, — дейди А.Абдуллаев. — Ноиложликдан шундай қилган эдик. Лекин, қишлоғимиз ёшлари талабини юқорига етказганмиз. Агар талабларимиз инобатга олиниб, стадион ўрнига 1 гектарли ер бошқа жойдан ажратилса, томорқачиларни ўша ерга кўчирамиз!

Ҳақ гап! Қишлоқдаги спорт майдонини ўз ўрнида қолдириш, томорқачиларга эса бошқа ер майдони ажратиш ҳал этса бўладиган иш. Бу хусусда тегишли қарор чиқариш эса туман ҳокимлиги ихтиёрида...

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жиззах вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси 2007 йил манзилли дастурига киритилган қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, Пахтакор шаҳридаги 536 ўринли 31-сонли мактаб-интернатини капитал таъмирлаш»
Қурилишни тугаллаш муддати: 2007 йил 10 августгача

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй.
Телефон: (8372) 222-31-59, 222-30-11.

Қурилиш ишларини молиялаштириш мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

❖ Интер-спорт

РОНАЛДИНЬО «МИЛАН»ГА ЎТАРМИКАН?

Италиянинг «Милан» футбол клуби президенти Сильвио Берлускони «Барселона» жамоасининг ярим ҳимоячиси Роналдиньони сотиб олиш учун 75 миллион фунт стерлинг (145 миллион доллар) сарфлашга тайёр эканини баён қилди. Президентнинг фикрига қараганда, моҳир футболчини «Милан»га олиб ўтиш учун ҳозир энг қулай фурсат экан. «Tribalfootball.com» интернет нашри хабарига қараганда, Сильвионинг бундай фикрга келишига Роналдиньонинг акаси ва айни пайтда агенти ҳисобланган Роберто де Ассис «Милан» клубининг вице-президенти Адриано Галлиани бошчилигидаги вакиллар билан учрашгани сабаб бўлган. Эслатамиз, шу йилнинг январь ойида «Милан» клубига «Реал» жамоаси тўпурари Роналдо сотиб олинган эди.

ЖАДВАЛЛИ КРОССВОРД

Бу турдаги топқирлик машқининг одатдаги кроссворддан фарқи шундаки, топилиши лозим бўлган сўзларнинг таърифи шаклнинг ўзида баён этилади. Жавоб сўзлари энига ва бўйига йўналишида ёзилиб, йўғон чизиқли катакда туташланади. Муаммонома эса, рақамларни жавоблар ёзилган катаклардаги мос ҳарфлар билан алмаштириш орқали ҳал этилади.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

КРОССЧАЙНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

(газетанинг 2007 йил 10 март сони)

1. Асака, 2. Аляска. 3. Айиқ. 4. Қулон. 5. Назокат. 6. Тарози. 7. Ироқ. 8. Қанд. 9. Драп. 10. Парта. 11. Ананас. 12. Стол. 13. Лото. 14. Орск. 15. Копток. 16. Крузо. 17. Оқим. 18. Марс. 19. Сир. 20. Риштон. 21. Наган. 22. «Наво». 23. Орол. 24. Лира. 25. Айрон. 26. Норка. 27. Адана. 28. Атир. 29. Ром. 30. Мадина. 31. Айова. 32. Асар. 33. Рост. 34. Тула. 35. Алёхин. 36. Наҳанг. 37. Гоби. 38. Инжу. 39. Умр. 40. Рисола. 41. Арктика. 42. Авар. 43. «РАФ». 44. Файз. 45. Зид. 46. Давр. 47. Раста. 48. Атлас. 49. Сатр. 50. Ринг. 51. Гап. 52. Пона. 53. Аста. 54. Аммиак. 55. Коинот. 56. Того. 57. Ота. 58. Аруз. 59. Зал. 60. Лола. 61. Анъана. 62. Авлод. 63. Дара. 64. Ақиқ. 65. Қиш. 66. «Шарқ». 67. Қуюн. 68. Новелла.

МУАММОНОМА: Очиқ сўзлар: 1. Самарқанд. 2. Ғарб. 3. Равоқ. 4. Гулкарам. 5. Биз.

Ҳикмат: Азизим, улуғликнинг сабаби ақл ва одобдир.

ЖАВОБНОМА								
11	9	13	9	10	5	9	,	
7	12	14	9	5	9	0	11	9
7	13	9	-	7	10	9	5	9
1	9	6	7	8	9	13	-	
3	15	4	2	6	12	4	.	



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Bardambek SA`DULLAYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
14815 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 21.40
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda